

Мавзу

**Ерлардан фойдаланишни амалга
ошириш устидан давлат назорати.**

Режа

- 1. Ер хусусидаги низолар вужудга келиши.**
- 2. Низоларни ташкилотлар томонидан бартараф
қилиниши**
- 3. Низоларнинг маъмурий – ҳудудий бирликлар
бўйича кўриб чиқилишининг аҳамияти**



Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этилаётган адабиётлар:

Асосий адабиётлар:

1. А.Р.Бабажонов, С.Б.Рўзибоев. Ердан фойдаланиш асослари. Ўқув қўлланма. –Т.: 2006й.
- 2.М.Ҳ. Рустамбоев ва бошқ. Ер ҳуқуқи. – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237 б.
3. Ўзбекистон республикасининг Ер кодекси. –Т.: 1998 й.
- 4.“Ергеодезкадастр қўмитасининг Миллий ҳисоботи” 2010-2016 йй.
5. Баратов П. Табиатни муҳофаза қиш. Т.. Ўқитувчи. 1991.129 бет.

Интернет ва Зиёнет сайтлари:

1. [http:// www. colibri.ru/;](http://www.colibri.ru/)
2. <http:// zakon. rin. ru>
3. <http:// www. Lex.uz>

Ер хусусидаги низолар тўғрисида тушунча

- * Ер хусусидаги низолар ерларни эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун бериш, қайтариб олиш, чегараларни белгилаш, ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш қоидаларини бузишдан келиб чиқади. Ерларга эгаллик қилиш ва фойдаланиш жараёнида ҳар хил ҳолатлар юзага келиши мумкин. Бунда ер муносабатлари субъектлари (жумладан давлат органлари)нинг ҳаракатлари ёки уларнинг зарур бўлган ҳаракатларни асоссиз бажармасликлари ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ҳамда давлатнинг ҳуқуқларини бузилишига олиб келади. Масалан, бир субъектга берилган ер участкасини иккинчи субъектнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олиши ва фойдаланиши; белгиланган муддатда ер участкасини қайтариб бермаслик ва хоказо. Шу ҳолатлар оқибатида юзага келган мунозаралар ер хусусидаги низолар деб аталади.

Ер низоларининг келиб чиқиш сабаблари

Ер бериш

Ердан
фойдаланиш
хуқуқини
амалга
ошириш

Ерни
олиб
қўйиш

Негатор
даъво

Ерларни
тартибга
солиш

Зарарларни
қоплаш

Ер бериш
тартиби
бузилганда

Субъектлар
нинг хўжалик
фаолиятига
аралашганда

Ер
ноқонуний
тортиб
олинганда

Фойдала
ниш
хуқуқи
бузилганда

Ердан
фойдаланув
чиларнинг
манфаатлари
топталганда

Ер
муносабатлари
даврида зарар
келтирилганда

Ер ажратиш
вақтида
фойдаланув
чиларнинг
чегаралари
бузилганда

Ер
мулкчилиги
хуқуқига
тўсқинлик
қилганда

Муддатидан
аввал
фойдаланиш
тўхтатилган
да

Низоларни ҳал қилиш



Дастлаб низо қилувчиларнинг низоси мазмуни ва уларнинг ҳуқуқлари чегараси аниқланади, сўнгра уларнинг бир-бирига нисбатан мажбурий ҳисобанган ҳаракатлари ўрнатилади. Агар ҳақиқатдан ҳам томонлардан бирининг ҳуқуқи бўзилган бўлса низо уни тиклаш орқали ечилади, агар у хаёлий бўлса низо томонларга уларнинг ҳуқуқларини тушунтириш орқали ечилади.

Ер хусусидаги низоларни ўз вақтида ва объектив тарзда ечиш ерлардан самарали ва оқилона фойдаланиш имконини беради, чунки бунда нафақат ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг қонуний ҳуқуқлари, балки давлатнинг ҳам ерга эгаллик ҳуқуқи ҳам ҳимоя қилинади.

Ер хусусидаги низолар ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан (Ер кодекси, 89-модда) юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ер хусусидаги низолар суд ва давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади. Бунда ҳар бир органнинг низони ҳал қилиш бўйича кафолати ўз ҳудуди чегарасида аниқ белгиланган бўлиб бу катта амалий аҳамиятга эга.

Ер хусусидаги низоларни ҳал қилувчи давлат ҳокимият органлари тизими қуйидагича:

Ер хусусидаги низоларни ўз вақтида ва объектив тарзда ечиш ерлардан самарали ва оқилона фойдаланиш имконини беради, чунки бунда нафақат ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг қонуний ҳуқуқлари, балки давлатнинг ҳам ерга эгаллик ҳуқуқи ҳам ҳимоя қилинади.

- * Ер хусусидаги низолар ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан (Ер кодекси, 89-модда) юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ер хусусидаги низолар суд ва давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади. Бунда ҳар бир органнинг низони ҳал қилиш бўйича кафолати ўз ҳудуди чегарасида аниқ белгиланган бўлиб бу катта амалий аҳамиятга эга. Ер хусусидаги низоларни ўз вақтида ва объектив тарзда ечиш ерлардан самарали ва оқилона фойдаланиш имконини беради, чунки бунда нафақат ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг қонуний ҳуқуқлари, балки давлатнинг ҳам ерга эгаллик ҳуқуқи ҳам ҳимоя қилинади.

Томонлардан бири республикага буйсунувчи корхона бўлган низолар, ҳамда бир вилоятнинг турли туманларига қарашли корхоналар ўртасида чиққан низоларни кўриб чиқиш ваколати вилоят ҳокимияти идораларига берилган.

Турли вилоятларга қарашли корхоналар ўртасида
чиққан низолар Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳал қилинади.

Шахслар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларида
умумий фойдаланиш тартиби хусусида, якка тартибда
қурилган иморатларга бирга эгаллик қилувчилар
ўртасида чиққан низолар судлар томонидан кўриб
чиқилади. Бу низолар уй жойларни мерос тариқасида
бўлиш, эр-хотинлар ва бошқа қариндошлар ўртасида
тақсимлаш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ер хусусидаги низоларни ҳал этиш қуйидаги
босқичлардан ташкил топади: низони кўзғатиш; низони
кўриб чиқиш; низо бўйича қарор қабул қилиш; қарорни
бажариш.

Ер хусусидаги низолар томонлардан бирининг аризасига биноан қўзғатилади. Аризада ерга эгаллик ёки фойдаланиш ҳуқуқи бўзилганлиги ҳақида далолат берувчи фикрлар баён қилинган бўлиб унга тегишли хужжатлар илова қилинади.

Низони кўриб чиқиш керакли хужжатларни тахт қилишдан бошланади. Бу иш асосан объект жойлашган ердаги ер тузиш хизмати органига юклатилади. Керак бўлган ҳолатларда маҳсус комиссиялар ҳам тўзилиши мумкин.

Комиссияга давлат ҳокимият органлари, ер тузиш хизмати ва қишлоқ хўжалиги мутахасисларининг вакиллари киритилади.

Ер хусусидаги низо қўзғатилгандан сўнг у манфаатдор томонлар иштирокида кўриб чиқилади. Бунда томонлар низо кўриб чиқиладиган вақт ва жой ҳақида олдиндан хабардор қилиб қўйилишлари зарур. Агар томонлардан бири келмай қолса ёки ариза бермаган бўлса ишни кўриб чиқиш кечиктирилади.

Низони кўриб чиқиш муддатлари умумий талабга нисбатан ариза берилган кундан бошлаб бир ой муддат деб қабул қилинган.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколатли давлат органлари томонидан оширилади. Қўйидагилар ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан ваколатли давлат органлари ҳисобланади:

“ДавЕргеодезкадастр” қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси.

“ДавЕргеодезкадастр” қўмитаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати “ДавЕргеодезкадастр” қўмитаси номидан қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

“ДавЕргеодезкадастр” қўмитасининг раиси – ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича Ўзбекистон Республикасининг бош давлат инспектори.